



06.09.2018 № 87-03-3140

ОТМлар ректорларига

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 6 мартдаги 178-ф-сонли Фармойиши билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида 2018 йилда халқаро ва республика миқёсида ўтказиладиган илмий ва илмий-техник анжуманлар режаси ҳамда вазирликнинг 2018 йил 12 мартдаги “Вазирлик тизимидаги олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларида 2018 йилда ўтказиладиган илмий анжуманлар режасини тасдиқлаш тўғрисида”ги 233-сонли буйруғига асосан, Тошкент давлат иқтисодиёт университетида **2018 йилнинг 16 ноябрь куни** *“Талаба ёшлар тарбиясида инновацион ёндашув: тарбиянинг янги методлари ва унда ахборот коммуникацион технологияларнинг ўрни”* мавзусида республика илмий-амалий анжумани ўтказилишини маълум қиламиз.

Анжуманга тезислар 2018 йилнинг 20 октябрь кунигача қабул қилинади.

Шу муносабат билан мазкур анжуман тўғрисидаги маълумотларни Сиз раҳбарлик қилаётган олий таълим муассасасидаги соҳа мутахассислари эътиборига етказиш ҳамда уларнинг фаол иштирокини таъминлашингиз сўралади.

Мурожаат учун телефон: 239-01-34, Тошкент давлат иқтисодиёт университети.

Иловада: Анжуманнинг ахборот хати – 1 бетда.

Вазир ўринбосари



У.Бегимкулов

АХБОРОТ ХАТИ

Илова

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 6 мартдаги 178-Ф-сонли фармойиши ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 12 мартдаги 233-сонли буйруғи ижросини таъминлаш мақсадида Тошкент давлат иқтисодийёт университетида 2018 йил 16 ноябрь куни “Талаба-ёшлар тарбиясида инновацион ёндашув: тарбиянинг янги методлари ва унда ахборот коммуникацион технологияларнинг ўрни” мавзuida республика илмий-амалий конференциясини ўтказиш режалаштирилган.

Мазкур конференция 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастурида белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда ташкил этилмоқда.

Конференцияни ўтказишдан мақсад – глобаллашув жараёнлари ва ахборот асрида ёшлар ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишнинг маънавий-маърифий ва ғоявий жиҳатлари, ҳозирги даврда ёшлар ахлоқини юксалтириш муаммолари, маънавий-маърифий тадбирлар ўтказишнинг самарали шакл ва усуллари ҳақида фикр алмашиш ҳамда илмий-амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборатдир.

Конференция ишида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг депутатлари, тегишли муассаса ва идораларнинг раҳбар ходимлари, олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари, катта илмий ходим-изланувчилари, ушбу соҳада тадқиқот олиб боровчи олимларнинг иштироки назарда тутилган.

Конференция Ялпи йиғилиш билан биргаликда куйидаги шўъбаларда ўз ишини олиб боради:

1-шўъба: Мамлакатимизда маънавий-маърифий соҳада олиб борилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳияти, самарадорлиги ва ёшлар ҳаётидаги аҳамияти.

2-шўъба: Глобаллашув ва ахборотлашув жараёнларининг кучаяётганлиги, унинг салбий оқибатларни олдини олишда ёшлар онгида иммунитетни шакллантиришнинг долзарб масалалари.

3-шўъба: Маънавий-маърифий ишларни янгича ташкил этиш тартиби, тарбиянинг янги методлари ва унда ахборот коммуникацион технологияларнинг ўрни.

4-шўъба: Талаба-ёшлар ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишнинг усул ва воситалари.

Конференция материалларини тайёрлашга қўйиладиган талаблар:

Конференцияда иштирок этиш учун мақола ва тезислар босма ҳамда электрон шаклда, иштирокчининг анкетаси (илова қилинади) билан биргаликда ташкилий кўмитага 2018 йил 20 октябрга қадар топширилиши лозим (манзил: 1000003. Тошкент шаҳри, Ислом Каримов шоҳ кўчаси, 49-уй. ТДИУ Маънавият ва маърифат, иқтидорли ёшлар билан ишлаш бўлими, бош бино 7-кават. E-mail: muborakxonim@mail.ru).

Илмий-амалий тавсияларни ўз ичига камраб олган, имло хатоларсиз бўлган мақолалар 5-бетгача ва тезислар 3 бетдан ошмаган ҳажмда ўзбек, рус ва инглиз тилларида тақдим этилиши мумкин. Мақола ва тезислар Microsoft Word, Times New Romanда 14 шрифтда, 1 интервалда, чап томондан 3 см, ўнг томондан 1,5 см, юқори ва паст томондан 2 см қолдирилган ҳолда тўлдирилиши зарур. Файл номлари лотин ҳарфлари билан биринчи муаллиф фамилияси ва мақоланинг биринчи ва иккинчи сўзлари билан номланади.

Мақола ва тезисларнинг биринчи бетининг ўнг қисмида муаллифнинг фамилияси, исми, шарифи (тўлиқ), илмий даражаси, илмий унвони, лавозими, ташкилотнинг ёки олий ўқув юрти номи кўрсатилиши шарт. Мақола ва тезис матнида фойдаланилган манбалар аниқ кўрсатилиши лозим, бир муаллифдан факат битта мақола ёки тезис қабул қилинади.

Юқоридаги талабларга жавоб бермайдиган мақола ёки тезислар тўпламга киритилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

Маълумот учун телефонлар: Тошкент давлат иқтисодийёт университети Маънавият ва маърифат, иқтидорли ёшлар билан ишлаш бўлими (998 71) 239-01-34, +99894 457 78 78.

Қатнашчига эслатма: e-mail орқали юборилган мақола ва тезисларнинг чоп этилган нусхаси тақдим этилиши шарт, акс ҳолда мазкур мақола ва тезислар қабул қилинмайди.

КОНФЕРЕНЦИЯ ИШТИРОКЧИСИНИНГ АНКЕТАСИ	
Фамилия, исми, шарифи	
Илмий даражаси	
Илмий унвони	
Иш жойи	
Иш жойи манзили	
Эгаллаб турган лавозими	
Телефон рақами	
e-mail	
Конференциядаги шўбанинг номи	